

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши түғрисида

ШАРТНОМА № 22230

Тошкент ш.

2022 йил 24 05

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган "POWER BUILD CONSTRUCTION" масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ000702-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Солиев А.И., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 19-майдаги 83742-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қўйидагилар түғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Нукус шаҳрида навбатлилик коэффициенти юқори бўлган “Телеорай” МФЙ худудидаги 7-сонли мактабга тутуаш худуддан 400 ўринли мактаб биносини куриш.(АРТ 1-2, топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” обьекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидибув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 382 000 000 (Уч юз саксон икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи куйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичida Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай холат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзgartiriшга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирав ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирав ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (үн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар

қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустакил эксперталарга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юкори бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юкори бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.5. Пеняning тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориши йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳакиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктиурса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишида пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир

тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аникланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг хисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета хисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ўз. И. Каримов кўчаси,
16а-уй РКЦ ГУ ЦБ Г. Ташкента
МФО 00014 ИНН 204775594
ОКОНХ 69000
100024860262777098805075033
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА
МИНИСТЕРСТВО РУЗ
р/с 23 402 000 300 100 001 010
ИНН 201 122 919

Директор в.б. Р.У. Кучкаров



БАЖАРУВЧИ

POWER BUILD CONSTRUCTION
МЧЖ

Тошкент, Юнусобод тумани,

Ч. Айтматова кўчаси, 54-уй.

Телефон: (71) 234-07-59

Хисоб рақам: 202 080 005 007 112 330 01

Ўзб Миллий Банк Бектемир ф-л,

МФО 00930 СТИР: 304546013

ОКЭД 71110

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

КҚС 326010004201.

Директор: А.И. Солиев





Тошкент шаҳар

2022й.

“Нукус шаҳрида навбатлилик коэффициенти юқори бўлган "Телеорай" МФЙ худудидаги 7-сонли мактабга туташ ҳудуддан 400 ўринли мактаб биносини қуриш.(АРТ 1-2, топохарита, геология ва ЗВОСни хисобга олган холда)” объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиха ташкилотини аниклаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси

йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиги

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиги

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимиининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БХМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

КУН ТАРТИБИ

“Нукус шаҳрида навбатлилик коэффициенти юқори бўлган "Телеорай" МФЙ худудидаги 7-сонли мактабга туташ ҳудуддан 400 ўринли мактаб биносини қуриш.(АРТ 1-2, топохарита, геология ва ЗВОСни хисобга олган холда)” обьекти бўйича(кейинги ўринларда обьект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 10 май куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) обьектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиха ташкилотини танлаш мақсадида № 83742 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш куни мобайнода электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “POWER BUILD CONSTRUCTION” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 19 майдаги электрон баённомасига асосан “Нукус шаҳрида навбатлилик коэффициенти юқори бўлган “Телеорай” МФЙ худудидаги 7-сонли мактабга туташ ҳудуддан 400 ўринли мактаб биносини қуриш.(АРТ 1-2, топохарита, геология ва ЗВОСни хисобга олган холда)” обьектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “POWER BUILD CONSTRUCTION” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.



С. Сагдиев



Ш. Кодиров



О. Хамидов



П. Абдузатторов



М. Холматова

№	Организация	Коэффициент бюджетного финансирования	Объем финансирования из бюджета	2022 Бюл. учр. контракт Арендатор/покупатель		2022 Бюл. учр. финансирование		01.01.23 г., наличные расчеты	01.01.23 г., нормативные расчеты
				1	01.01.22г., Бюл. учр. расчеты	01.01.22г., Бюл. учр. финанс.	01.01.22г., Бюл. учр. расчеты		
1	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500
2	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	308,000	обрат	308,000	обрат	308,000	обрат	308,000
3	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	338,000	обрат	338,000	обрат	338,000	обрат	338,000
4	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500
5	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500
6	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	308,000	обрат	308,000	обрат	308,000	обрат	308,000
7	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	338,000	обрат	338,000	обрат	338,000	обрат	338,000
8	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500
9	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500	обрат	505,500
10	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	308,000	обрат	308,000	обрат	308,000	обрат	308,000
11	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	338,000	обрат	338,000	обрат	338,000	обрат	338,000
12	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	216,500	обрат	216,500	обрат	216,500	обрат	216,500
	Комитет по делам национальных меньшинств	0,50	260,000	обрат	260,000	обрат	260,000	обрат	260,000

№	Объекты или виды имущества	Краткое описание имущества	Особенности имущества	2022 Бюджетное финансирование		2022 Бюджет небюджетное		01.01.23 д.	01.01.23 в.	Хозяйственная										
				Наименование	Номер	Наименование	Номер													
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
14	Ташкент шахр Олимпик шумони "Олимпик" мактаба фурӯзкор Йироғи Сувларни оғзи 77-уме 250 мост ўзинчалиги котекстори бисор, юнта шурӯн, обознавчигардири, ғуломондоригардири же сабонот тишид номиджонга ҳамзатнаннин тозаб чонни ўзи	2022-2023/и	обоз	200,000		200,000		обоз												
15	Ташкент шахр ҳамзатнаннин "Ташкент фандрор" ЙК оғизини (ТЦ-169) транспорткорпоратиони ишончигардигарни котекстори 5% изфасланган сумм	2019/и	обоз	194,000		194,000		обоз												
16	Ташкент шахр, Марбобса ғуломи, Гайнир Алиса йўқосига котекст тозигардири, обознавчигардири ва ташкент ассоциатигардири гуломон изтиказида мактаб оғизиги 5% изфасланган сумм		обоз	76,100	76,100	обоз		обоз												
17	Нурус шахри "Баласагир" лойиҳасинада давлат санаторий обнори бўйна юлий-санаторий ҳамзатнаннин тозаб изфасланган		обоз	24,400		24,400		обоз												
18	Ташкент шахр, Марбо Улугбек ғуломони Л.Б.Шарифий буста мактоб тозигардири ташкент санаторий тозигардири мактобини таъсирни 5% изфасланган сумм		обоз	3,900	3,900			обоз												
Ташкент шахр, Марбо Улугбек ғуломони Л.Б.Шарифий буста мактоб тозигардири ташкент санаторий тозигардири мактобини таъсирни 5% изфасланган сумм										Кампанийнчор ДК										

"Каримов инжиринг комиши"
**Ташкент шахр ҳамзатнаннин
номиджонга ҳамзатнаннин тозаб
дистрактори**
ДМК

"Келиничи"
**Ташкент шахр ҳамзатнаннин
номиджонга ҳамзатнаннин тозаб
дистрактори**
ДМК

2022/и

Л.И.Искатуллаев